

ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУДДАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Кадилова Мохигул Хамитовна
ТДЮУ Жиноят-процессуал ҳуқуқи
кафедраси доценти, ю.ф.н.
E-mail: m.kadirova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7276679>

Abstract. Мақолада таржима ҳуқуқи, шахсий ва турар жой дахлсизлиги каби ҳуқуқлар таҳлил этилиб, шахс ҳуқуқлари ҳамда уни таъминлаш муддатларини конституциявий кафолатлашга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантирилди.

Keywords: таржимон, муддат, электрон рақамли манзил, рақамли технологиялар.

Ўзбекистон халқи 1992 йил 8 декабрда инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди.

Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсат асосий принциплар этиб белгиланди. Жумладан, унинг 13-моддасида, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари – олий қадрият ҳисобланиши мустақамланган бўлиб, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши кафолатланган.

Хусусан, Конституциянинг 115-моддасида, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва

суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши акс этган¹.

Конституциянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексининг 71-моддасида:

“Қуйидаги ҳолларда таржимон чақирилиши белгиланган:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки соқов бўлса;

2) бирор матни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса. Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади” каби қоидалар ҳам белгиланган бўлиб, бунда имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланган.

Имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини аввало, конституциявий даражада кафолатлаш ҳамда тезкор муддатларни белгилаш² мақсадида Конституциянинг 115-моддасини Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган ёхуд имконияти чекланган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи дарҳол таъминланади, мазмуни билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Бундай қоида суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахслар билан бир қаторда суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган, аммо имконияти чекланган шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқларининг тезкорликда таъминланишини конституциявий кафолатлайди.

Қолаверса, қомусимизнинг 27-моддасида, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган бўлиб, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши

¹ Полянский Н.Н. Уголовный процесс. Уголовный суд, его устройство и деятельность. -М., 1911. -С. 93.

² Khamitovna K. M. [Жиноят процессида рақамли \(Digital\) муддатлар](#) // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences (IARSC). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 4-7.

ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Ушбу нормани, келгусида ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига, электрон рақамли манзилига³ кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас, мазмуни билан бойитиш ҳам фойдадан холи эмас. Негаки, замонавий технологиялар⁴ ҳамда глобаллашув натижасида ҳаётимизга шиддат билан кириб келган электрон “виртуал қабулхоналар”, электрон давлат хизматлари, онлайн аукционлар, очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) ва (my.gov.uz) маълумотлар базалари ва d.xarid.uz сайтлар, электрон рақамли имзо ҳамда телеграм каби рақамли технологиялар, улардан фойдаланиш ва хавфсизлигини таъминлаш⁵ни қомусий мустаҳкамлаш лозим саналади. Зеро ҳар бир рақамли технологиялар замирида ҳар бир инсон (шу жумладан, имконияти чекланган инсоннинг ҳам) шахсий ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ётади, мухтасар айтганда, ушбу рақамли ҳуқуқларнинг ҳам конституциявий кафолатланиши келгусида рақамли технологиялар орқали шахсий ҳаётга ноқонуний аралашилардан, шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳамда рақамли манзилга ноқонуний кириш, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириш, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилишнинг олдини олишга хизмат қилади.

³ Khamitovna K. M. Models of digitalization of the criminal process // Eurasian Journal of Academic Research (IARSC). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 31-34.

⁴ Воронин М.И. Электронные доказательства — самостоятельный вид доказательств // Российская правовая система в условиях четвертой промышленной революции: XVI Междунар. науч.-практ. конф. (Кутафинские чтения): Мат. конф. В 3 ч. Ч. 3. М.: РГ-Пресс, 2019. –С. 129-133.

⁵ Головкин Л.В. Цифровизация в уголовном процессе: локальная оптимизация или глобальная революция? Вестник экономической безопасности. 2019, (1). –С. 15-25.